

Тошкент фармацевтика институти
Фармакогнозия кафедраси

МАВЗУ: “ДОРИВОР ГУЛҲАЙРИ (ALTHAEA OFFICINALIS L.) ЎСИМЛИГИНИ ЭКИБ ЎСТИРИШ”

Мавзу: Доривор гулхайри (*Althaea officinalis* L.)

ўсимлигини экиб ўстириш

Абдуллаева Н.

5 курс, 3/1 гуруҳ, касб таълим йўналиши

1. Кириш

Табиатда турлари камайиб бораётган, доривор хусусиятга эга бўлган ўсимликларни асраш, уларни маданийлаштириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Доривор гулхайри илдизининг препаратлари ўраб олувчи, балғам кўчирувчи ҳамда яллиғланишга қарши (айниқса, болаларнинг нафас йўллари касалланганда) дори сифатида ишлатилади.

2. Изланишни мақсади ва вазифалари

Шу боисдан ўсимликни экиб ўстириш, улар устида фенологик кузатишлар олиб бориш, биологиясини ва дориворлик хусусиятларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Тадқиқот давомида қуйидаги вазифалар бажарилди:

- Доривор гулхайри ўсимлигини морфологик, биологик ва дориворлик хусусиятлари кўрсатилган адабий манбаларни ўрганиш.
- уруғларни хона ва дала шароитида унувчанлигини ўрганиш
- ўсимликни экиб ўстириш ва улар устида фенологик кузатишлар олиб бориш.

3. Ботаник таъриф

Доривор гулхайри – *Althaea officinalis* L., гулхайридошлар – *Malvaceae* оиласига киради.

Гулхайри кўп йиллик, бўйи 150-160 см бўладиган ўт ўсимлик. Илдизпояси калта, йўғон, кўп бошли. Ўқ илдизи 50 см узунликда бўлиб, юқори қисми ёғочланган бўлади. Пояси – битта ёки бир нечта, тик ўсувчи, цилиндрсимон, кам шохли, пастки қисми ёғочланган. Барги оддий бўлиб, банди билан пояда кетма-кет жойлашган, поянинг юқори қисмдагилари бутун, тухумсимон, ўрта ва пасткилари эса уч ёки беш бўлакли, қўшимча барги майда, ингичка, ланцетсимон ёки чизиқсимон. Барг пластинкаси ўткир учли ва тишсимон қиррали бўлади. Поя, шох ва барги сертук бўлганидан кулранг-яшил тусда кўринади. Гуллари барг қўлтиғига, поя ва шохлари учига жойлашган бўлади. Гулкосачаси икки қаватли. Пастки косача 8-12 бўлакка ажралган, устки косачаси эса беш бўлакли. Косача барглари мева билан қолади. Тожбарги бешта бўлиб, пушти рангда, оталиги (чангчи) кўп сонли.

Улар ипи билан бирлашиб, найча ҳосил қилади. Оналик (уруғчи) тугуни 15-25 хонали, юқorigа жойлашган. Меваси-ясси, юмалоқ, серуруғли, қуруқ мева. Июнь ойидан сентябргача гуллайди, меваси июлдан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши

Ариқ, кўл бўйларида, ўтлоқ, тўқай, буталар орасида ва бошқа нам ерларда ўсади. Молдова, Украина, Беларус, Россиянинг Европа қисмининг ўрмон-чўл зонасида ва Қрим, Кавказ, Ғарбий Сибирь, Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиёда учрайди. Украинада ўстирилади.

4. Амалий қисм

Доривор гулхайри ўсимлигини тупроққа экишдан олдин унинг уруғини унувчанлигини хона шароитида аниқланди. Уруғларнинг

унувчанлиги 15 кун давомида кузатилди. Ўсимлик уруғларининг хона шароитидаги унувчанлиги 79 % ташкил этди.

Доривор гулхайри уруғи эрта баҳорда ёки кеч кузда экилади. Уруғларни 1-2 см чуқурликда тупроққа экилди. Экиш учун энг қулай усул, уларни қатор жўякларга экиш. Жўякларнинг кенглиги 60-70 см.

Уруғларни экиш муддати март ойининг биринчи декадасига - -10. III га тўғри келди, майсаларнинг ҳосил бўлиши март ойининг иккинчи декадаси – 21. III га тўғри келди. Мўътадил иқлим шароитда майсалар 8-10 кунда униб чиқди. Уруғларнинг униши муртақ илдизчаларнинг ривожланиши билан бошланиб, ўсиш жараёнида иккита уруғ палла барглари тупроқ юзасига униб чиқди ва улар ўсимта ҳаётида 50-60 кун фаолият кўрсатди. Майсалар тўлиқ униб чиққандан кейин, яъни биринчи суғоришдан 7-10 кун ўтгач ягана ўтказилди ва 1 метр ерда 8-10 та ўсимлик қолдирилди. Ўсимликларни бу даражада сийраклаштириш натижасида уларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашди. Апрель ойининг охирида уларнинг бўйи 6-10 см ни ташкил этган бўлса, май ойида ўсимликларнинг баландлиги 45-100 смга етди. Доривор гулхайри экилган майдонлар биринчи йили 5-6 марта ўтоқ қилинади ва оралари кетмон ёрдамида юмшатилади. Гулхайри экилган майдон биринчи йили 8-10 марта суғорилди. Июнь ойининг биринчи декадасида уларнинг баландлиги 55-108 смни ташкил этди. Ўсимликлар июнда ғунчалай бошлади. Гуллаш даври июн-август ойларига тўғри келади. Август-сентябрь ойларида уруғлари пишиб етилди. Меваси пишгандан кейин узоқ вақт тўкилмай туради.

Бу эса то сентябрь ойигача уруғларни йиғиб олиш имконини беради. Бунинг учун гулҳайри пояси мева жойлашиш баландлигидан ўроқ билан кесилади ва боғ-боғ қилиб қўйилади. Уруғларни дон совургичда тозаланиб қопларга солиб сақланади. Ўсимлик илдизини иккинчи йили октябрь ойларида йиғиб олинади. Ярим сантиметр йўғонликдаги ён илдизлари ҳомашё ҳисобланади.

Хулоса

1. Уруғларнинг хона шароитидаги унувчанлиги 79%ни ташкил этади.
2. Доривор гулҳайри ўсимлигини республикамиздаги барча суғориладиган тупроқларда ўстириш мумкин.
3. Ўсимлик илдизини ҳаётининг иккинчи йили йиғиб олинади.

Адабиётлар

1. Серебряков И.Г. Морфология вегетативных органов высших растений. – М., Советская наука, 1952. с. 321. Ибн-Сино нашриёти
2. Холматов Х.Х., Аҳмедов Ў.А. “Фармакогнозия” Т., Ибн-Сино нашриёти 1995. 63-65 б.